



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 29 март, № 61 (5481)

Пайшанба

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Жиззах

Пахтакор туманидаги “Жўрабек-ЭЖ” хусусий корхонаси модернизация қилинган, бу ерда ишлаб чиқариш қуввати уч ҳиссага кўпайди.

Банк кредити ва самарадорлик

— Янги ускуналарни ўрнатишда банкнинг 40 миллион сўмлик кредити қўл келди, — дейди корхона раҳбари Мавлуда Меллиева. — Энг муҳими, энергия сарфи камайиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Ҳозир кунига 400 — 500 литр сутни қайта ишлаяпмиз. Жамоамиз томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёр-

ланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Ўтган йили вилоятда гўштни қайта ишловчи 6 та ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган 12 та корхона ҳамда 6 та сут қабул қилиш шохобчаси ишга туширилди. Бунинг учун 1 миллиард 287 миллион сўмлик банк сармоясига сарфланди.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Хатирчи туманида лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик корхона иш бошлади.

Янги корхона иш бошлади

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 150 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда ушбу “Маҳмудбобо Собиров” масъулияти чекланган жамиятида 12 турдаги бўёқ материаллари тайёрланмоқда.

Ўтган йили туманда 12 та қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, 100 га яқин иш ўринлари яратилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарёда ҳам янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Сервис хизмати яхшиланади

Янгиер шаҳридаги “Умида-Санжар” корхонаси жамоаси саъй-ҳаракати билан хизмат кўрсатиш мажмуаси бунёд этилиб, ишга туширилди. 10 кишининг бандлигини таъминлаган ушбу лойиҳа банкнинг 80 миллион сўмлик кредити ҳамда жамоанинг ўз маблағи эвазига амалга оширилди.

Вилоятда март ойининг ўзига 49 та объект фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Ангрен шаҳрида ўтган йили янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда мавжуд корхоналарни кенгайтириш ҳисобига 561 иш ўрни яратилди.

Технология замонавий, сифат юқори

Замонавий ҳамда тежамкор технология асосида йиғирма хил нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлаган “Ангрен бизнес инвест” масъулияти чекланган жамияти ҳам 10 дан зиёд маҳаллий ёшларни муқим иш жойлари билан таъминлади. Ҳозир бу ерда кунига 3,5 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, 25 та савдо шохобчасига пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анджон

Хонобод шаҳридаги “Тополина интерстар” хусусий корхонасида қурилишда кенг қўлланиладиган оҳак тайёрлаш ўзлаштирилди.

Қурувчиларга яна бир қулайлик

Шу пайтга қадар ушбу хом ашё шаҳарга қўшни туманлардан келтирилган эди. Йилига 700 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур лойиҳа рўйи учун 70 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди. 10 га яқин иш ўринлари яратилган корхонада дастлабки 175 тонна маҳсулот тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фахр

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Куролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган аскарларнинг ҳарбий қасамд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Юртга садоқат — олий саодат

Шундай тadbирлардан бири пойтахтимиздаги “Ватанга қасамд” монументи пойида ташкил этилди. Унда ҳарбий хизматчилар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари қатнашди.

Тантанана сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлиши миллий армияни шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ҳаётга таъбиқ этилган чора-тадбирлар туфайли Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва имконияти юксалиб, бутун армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Энг муҳими, аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юқори даражага кўтарилди.

Юртбошимиз гоёяси ва ташаббуси асосида қад ростлаган “Ватанга қасамд” ҳайкали ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачигидек асраб-авайлашга бел

боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. Бу мухташам бадиий мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимиз тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз хоки ётган заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамд қилаётгани акс эттирилган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга овланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда. Ўзида чўқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунли ифода этган мазкур ҳайкал ҳар бир юртдошимизни муқаддас мақсад сари чорлаб туради, Ватанимиз равнақи, тақдирини дахлдор бўлишга ундайди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 28 март куни ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитанинг Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тadbирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, кимё санояти, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари,

компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, қўмита ҳамраиси Элёр Фаниев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам изчил ривожланиб

бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг апрель ойида Хитой Халқ Республикасига давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Инсон манфаатлари — устувор вазифа

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учун, деган эзгу тамойил асосида ҳаётга таъбиқ этилаётган оқилона сиёсат самараларини бугунги кунимизнинг барча жабҳаларида кўриш мумкин.

Тadbир

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаш масалаларига

бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаганидек, юртимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаёт-

ган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бунда Конституция-миз, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунлар, Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Уларда назарда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КАМОЛИ

давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбатда ҳам ўз ифодасини топмоқда

Ёш авлод камолотида мусиқий тарбиянинг ўрни бекиёс. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда санъатга иштиёқманд ёшларнинг иқтидор ва истеъдодини камол топтириш, юзага чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлаш давлат даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса, бунда Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор ва ижро



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.



Қашқадарё вилоятида ҳам мазкур қарор асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Хусусан, Наврўз байрами арафасида Ғузур туманидаги мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишлари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағфармасининг 1 миллиард 854,7 миллион сўмлик маблағи ҳисобидан молиялаштирилди.

— Янги бино замон талаблари ва таълим стандартларига тўлиқ жавоб беради, — дейди мактаб директори Эргаш Шобердиев. — Синфхоналар энг илғор ўқув воситалари билан жиҳозланган. Мактабга 400 миллион сўмлик замонавий мусиқа асбоблари келтирилди. Натижада 9 йўналиш бўйича таҳсил олаётган 120 нафар ўқувчимиз учун барча қулайлик яратилди.

Айтиш жоизки, вилоятда 18 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, уларнинг 9 тасини янгидан қуриш ва қолганини тубдан таъмирлаш кўзда тутилган. Шу кунга қадар 2 та ана шундай таълим мактаби янгидан барпо этилган бўлса, 5 та мактабда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жорий йил якунига қадар яна 4 та мактабда бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик иштирокига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ҳуқуқий тарғибот ва масъулият

Унда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жағфармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимизда Президентимиз ташаббуси билан кенг қўламли демократик янгилаш ва модернизация жараёнлари амалга оширилмоқда. Бунда, энг аввало, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, қисқача айтганда, ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳими, мазкур чора-тадбирлар туфайли республикамизда нафақат криминоген вазият барқарорлигига, балки оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар, хусусан, қасддан одам ўлдириб, босқинчилик, талончилик, ўғрилик жиноятлари ҳамда вояга етмаганлар ва аёллар ўртасидаги жиноятларнинг кескин камайишига эришилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги натижасида ўтган йилда 2 мундан ортқ маҳаллада умуман жиноят содир этилмаганлиги мисолида

(Давоми 2-бетда).

Эзгуликка йўғрилган ташаббус

Бугун юртимизда савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак, деган ҳаётий тамойил асосида мурувват ва ғамхўрликка йўғрилган эзгу юмушлар амалга оширилмоқда.

Саховат

Хусусан, кунни кеча “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағфармаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси, “Меҳрури” жамоат жағфармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида Қашқадарё вилоятида ўтказилган тўю танта-

налар ҳам ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилаларга чексиз шодлик улашди. Ёшларнинг никоҳ ва жажжи фарзандларимизнинг суннат тўйларини ташкил этишга мўлжалланган лойиҳага мувофиқ, ҳудудда 55 та никоҳ ҳамда 111 суннат тўйи бўлиб ўтди. Тўйлар миллий қадр-

ят ва аъналаримизга хос тарзда совчи ташрифи, фотиҳа маросими сингари удумлар билан бошланди. Ёш келин-куёвлар қонуний никоҳдан ўтишгач эса улар учун банкда махсус ҳисоб рақамлари очилиб, “Фонд Форум” ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари томонидан ҳар бир оилга алоҳида маблағ ажратилди. Шунингдек, тўйболалар учун ҳам омонат маблағи жорий қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Уй-жойлар қурилишига йўналтирилаётган инвестициялар

2012 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишига

160 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилиши режалаштирилган.

Мазкур молия муассасаси Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган тасдиқланган дастурининг амалга оширилишида фаол иштирок этаётган бўлиб, унинг доирасида 500 миллион доллар инвестиция киритиш кўзда тутилган.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармоясини янада кўпайтиришга қўлай имкониятлар билан танишдилар.

— Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, кўмита ҳамраиси Цзян Яопин. — Хитой Ўзбекистон билан муноса-

батларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равишда қўлай имкониятлар билан танишдилар.

— Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, кўмита ҳамраиси Цзян Яопин. — Хитой Ўзбекистон билан муноса-

батларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равишда қўлай имкониятлар билан танишдилар.

— Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, кўмита ҳамраиси Цзян Яопин. — Хитой Ўзбекистон билан муноса-

батларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равишда қўлай имкониятлар билан танишдилар.

— Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, кўмита ҳамраиси Цзян Яопин. — Хитой Ўзбекистон билан муноса-

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мазкур хайрия тадбири мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларимиз учун унутилмас воқеалиқдир, — дейди Қашқадарё вилояти "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси масъул ходими Гулбахор Мўминова. — Тўйболаларни эса бугун ширинлиги совғасаломлар, истироҳат боғига саёҳат ва театрлаштирилган томошалар бениҳоя хурсанд

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

қилди. Шунингдек, эътироф этиш жоизки, мана шу файзли тўйларимизга туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотлар ва маҳаллалар фаоллари ҳам бош-қош бўлишди. Эзгулик ва савоб йўлидаги бу самимий гамхўрлик фарзандларимиз ёдида бир умрга сақланиб қолиши аниқ.

— Биз инсонпарвар, бағрикенг ва меҳри дарё халқнинг фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз, — дея дил сўзларини изҳор қилишди келин-куёв — Дилобар ва Илхомжон Суяровлар. — Бугун янги ҳаёт бошляпмиз ва бундан жуда ҳам бахтлимиз. Келажақда мустақам бир оила қуриб, меҳнатимиз, интилишларимиз билан юрт равнақига ҳисса қўшишни ният қилдик.

...Тўйлар Қарши шаҳридаги "Дельфин" дам олиш масканда нахорги ош тадбири билан бошланди. Асосий тантаналар эса вилоят марказидаги муҳташам амфитеатрда бўлиб ўтди. Ушбу тadbирларда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ва суннат тўйлари нишонланаётган болажонларга илқ тилаклар билдирилиб, совға-саломлар топширилди.

М. АҲАДОВ.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИ

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини мустақамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш Мустақам оила йилида рўёбга чиқариладиган эзгу тadbирлар негизини ташкил этади. Шу мақсадда қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга.

2012 йил — Мустақам оила йили

Жумладан, бизнинг доимий комиссияси ҳам "Мустақам оила йили" худудий дастурини тайёрлашда фаол қатнашиб, йил давомида амалга оширилаётган тadbирлар юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазаларини тавсия этди. Бунда фаолиятимиз йўналишидан келиб чиқиб, оила, биринчи галда, эҳтиёжманд оилалар муаммоларини ҳал этишга эътиборни янада ошириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига катта аҳамият қаратилди. Маълумки, оила мустақамлигини таъминлашда иқтисодий омиллар ўрин тутди. Аини омил устувор хонадонда рўзгор бут бўлиб, турмушга қут-барак киради. Аниқроқ айтганда, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлган, ҳуффақиятли йўлга қўйган оилаларда барча масалаларни ижобий ҳал этиш имкониятлари кенгайди. Шу боис аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали ва истиқболли воситаси ҳисобланган бандлик дастури ижросини сўзсиз таъминлашни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олдик. Бунда ёш оилалар вақиллари бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилади.

Бандлик дастурларида касаначилик иш ўринларини ташкил этиш йўли билан аёллар, ногирон ва хунармандларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Унга қўра, ушбу йилда корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида 7,1 минг, халқ хунармандчилиги ва оилавий тadbиркорликни ривожлантириш, пудрат асосида уй меҳнатини ташкил этиш орқали 21,7 мингдан зиёд фуқаролар, биринчи навбатда, аёлларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Бугунги кунда оилавий тadbиркорликнинг самарали шакли бўлган паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик, асарларчилик тез ривожланыпти. Ана шу йўналишда ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштирган фуқароларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам оилаларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақамлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, Мустақам оила йилида рўёбга чиқарилиши мўлжалланган вазифалар кўлами ва қамрови ниҳоятда катта. Уларни амалга ошириш ҳар биримиздан юксак масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Анваржон ОТАХЎЖАЕВ, халқ депутати ва Наманган вилояти Кенгашининг фан, халқ таълими, маданият ва спорт масалалари доимий комиссияси раиси ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ҳам буни кўриш мумкин. Бунда юртимиздаги 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳамда 50 мингдан зиёд маҳалла посбонлари мустақам ҳамкорлигининг ўрни катта бўлмоқда.

— Ҳуқуқ-тартибот органлари билан бир қанча йўналишда ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди "Маҳалла" хайрия жамо-

ат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов. — Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу ҳамкорлик доирасида 7 мингдан зиёд давра суҳбатлари, учрашувлар ва турли тadbирлар ўтказилди ҳамда натижада 6 мингдан зиёд маҳаллаларда жиноят қайд этилмади.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги "Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олди-

ни олиш юзасидан кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида яраштириш комиссиялари фаолияти тартибга солинди, бугунги кунда ушбу комиссиялар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали адо этиб келмоқда.

Анжуманда бу борадаги ишларни янада кенгайтириш юза-

сидан олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам ахборот берилди. Хусусан, Бош прокуратура ташаббуси билан давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган 2012 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш юзасидан чора-тadbирлар режаси мазмун-моҳияти билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ёқидан таништирилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсон манфаатлари — устувор вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясида иш ҳақи ва даромадларини оширишга кўмаклашиш масаласи муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда жинси, миллати, irqи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча инсонлар учун меҳнатга ҳақ тўлашда тенг ҳуқуқ яратилган. Кейинги йилларда республикамизда нафақат номинал, балки реал иш ҳақининг ҳам ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори га мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, ходимларнинг ягона тариф сеткаси бўйича энг кичик разряди 1-разряд этиб белгиланди.

Анжуманда фуқароларнинг саломатлигини мустақамлаш йўлида мус-тасқамлаш бўлиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши тасаруфида 15 та санаторий фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳар йили 90 минг нафарга яқин ишчи-ҳодим ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини

тиклаш имкониятига эга бўлаётди. Дам олиш масканлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб касабга уюшмалари тизимидаги санаторийларда янги йўналиш — фертил ёшдаги аёллар саломатлигини мустақамлаш йўлга қўйилиб, бу ўринда қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аёлларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятидаги "Умид гулшани" санаторийсида 70 нафар фертил ёшдаги аёл тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли муолажаларни олиш имкониятига эга бўлди.

Мустақам оила йилида ҳам Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ишчи-ҳодимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида "Умид гулшани" санаторийсига 100 нафар ёш оила учун имтиёзли йўлланма ажратилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилалардан бўлган 500 нафар аёл бепул соғломлаштирилди.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юртга садоқат — олий саодат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мана шундай улғувор монумент пойида ҳарбий қасамд қабул қилиш ҳам шараф, ҳам масъулиятдир, — дейди оддий аскар Жасур Норбеков. — Бу ҳаётимда энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади.

Ҳарбий соҳага болалигимдан қизиқаман. Келгусида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, мақсадимга эришмоқчиман. Бунинг учун, албатта, чинакам ҳаёт мактаби — армиядаги назарий ва амалий машғулотларни пухта ўзлаштиришим зарур.

— Уғлим Жасурбекнинг ниятига етишига тилақдошман,

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Оқ чашма»нинг туҳфаси

Бекобод туманидаги "Оқ чашма" хусусий корхонасида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхона 30 миллион сўмлик илҳам ва замонавий минитехнология билан жиҳозланди.

Яхши хабар

Натижада бу ерда йилига 310 тонна сутни қайта ишлаш имконияти вужудга келди. Шуниси эътиборлики, ўтган йили туманда 30 га яқин қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилгани туфайли 220 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Олис овуллардаги бунёдкорлик

Истиқлол шарофати билан юртимизнинг энг олис қишлоқ ва овуллари ҳам тобора чирой очиб, файзли масканга айланиб бормоқда.

Интилиш

Янги қад ростлаётган замонавий бинолар, машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига қатор қўлайликлар туғдирмоқда.

Кўнғирот туманидаги "Устюртга-қурилиш" унитар корхонаси Қоракөлпогистондаги ана шундай бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан. Ушбу жамоа зиммасига магистраль

газ ва сув қувурларини тортиш, қуриш, уй-жой ва маданий-маиший объектларни капитал таъмирлаш каби кенг қўламли масъулиятли вазифалар юклатилган.

— Ўтган йили қўллаб олис овулларга табиий газ ва тоза ичимлик суви етказиб берилиб, аҳоли турмушини янада яхшилашга ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз, — дейди кор-

хона раҳбари Мақсет Сарсенбаев. — 2011 йилда шу мақсадда 11 миллиард 835 миллион сўмликдан ортиқ иш бажардик.

Корхонада қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, улар учун икки қаватли "Мутахассислар дам олиш уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жамоанинг жорий йилдаги эзгу режаларидан ҳам юрт фаровонлигини таъминлашдек хайрли мақсадлар ётибди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Солиқ тизими

Ҳуқуқимиз томонидан республика иқтисодиётини ривожлантириш, тadbиркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини олдини олиш, хуфиена иқтисодиёт билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қарши курашишга доир бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, Навоий вилояти давлат солиқ органлари уларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 28 июндаги "Нақд пул муомаласини тартибга солишга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорлари асосида нақд пул маблағларининг банкларга тўлиқ топширилишига эришилди, унинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, хуфиена фаолият юритаётган хўжалик субъектларини аниқлаш, фош қилиш ва олдини олиш, солиқ ва тўловларнинг давлат бюджетига тушумини таъминлаш мақсадида ўтган йили 1248 та объектда таҳлил ўтказилди. Натижада амалга оширилган банк операциялари шубҳали деб топилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 499 тани ташкил қилди.

Бу субъектларда ўтказилган текширишларда 1859,5 млн. сўмлик даромадни яшириш (камгайитиб кўрсатиш), 19 та хўжалик субъекти томонидан 3941,7 млн. сўм нақд пул тушумини топширмаслик, 19 та хўжалик субъектида 9469,2 млн. сўмлик қирим ҳужжатиносиз товарлар савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари аниқланди. Бир ҳолатда эса олинган мол-мулклар давлат иҳтиёрига мусодара қилинди.

Текширишлар асносида, шунингдек, ҳуқуқбузарларга нисбатан жами 505,7 млн. сўмлик солиқлар ва мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланиб, бугунги кунгача унинг 431,3 млн. сўми ундириб олинди.

Шу билан бирга, текшириш натижаларига асосан, ҳуқуқбузарларга нисбатан хўжалик судининг қарорларига мувофиқ, 16 та хўжалик юритувчи субъектга жами 9713,2 млн. сўмлик

молиявий жарима қўлланилди. Бундан ташқари, ДСБ бўйича фаолияти шубҳали деб топилган хўжалик субъектларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан, камерал назорат ўтказилиб, бюджетга солиқ ва тўловлар бўйича жами 8182,0 миллион сўм маблағ қўшимча ҳисобланган бўлса, ҳозирги кунга қадар 7695,3 миллион сўми ундирилди. Вилоят солиқ органлари томонидан ўтказилган камерал назорат натижасида солиққа оид қонунбузилиш

молиявий жарима қўлланилди. Бундан ташқари, ДСБ бўйича фаолияти шубҳали деб топилган хўжалик субъектларида текширишлар ўтказилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилиш кенг жорий этилди.

Тadbиркорлик субъектларида солиқ текшируви ўтказилаётган вақтда уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатмаслик, лозим бўлса, ҳуқуқий билимларини оширишга ёрдам бериш, муаммоларини ўз жойида ечиш ва камчиликларни профилактика йўли билан ҳал этиш борасида текширув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар малакасини орттириш бўйича кўриляётган чора-тadbирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Жамшид ОСТОНОВ, Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси Камерал назорат бўлими бошлиғи.

Иш ўринлар қайта тикланди

Самарқанддаги "Uz Bottlers Group" қўшма корхонаси ҳамда Жомбой туманидаги "Аъзам консерва" корхоналари рақобатга дош бера олмади, молиявий инқирозга юз тутганди.

Модернизация

Ушбу ишлаб чиқариш мажмуалари "Ўзсанотқурилиш-банк" ОАТБ тасарруфида ўтказилган, "Samarkand Aqua Line" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Банк томонидан янги корхонага 6 миллион 907 миллион сўмлик инвестиция киритилди. Бунинг натижасида барча технологиялар қайтадан ишга туширилиб, кунига 200 тоннагача қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ҳамда 120 тонна сувни филтрдан ўтказиб, қадоқлаш имконияти юзга келди.

Вилоятда ўтган йили молиявий соғломлаштириш дастурига асосан, 42 та корхонага 69,5 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилиниб, 1316 та иш ўрни қайта тикланди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инновацион технологиялар – ишлаб чиқаришга

Олтинқул туманида инновацион технологиялар ҳамда ишланмалар кўрғазмаси ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан ўтказилган мазкур тадбирда юртимиздаги илмий муассаса ҳамда ўқув юрлари тадқиқотчиларининг 200 га яқин янги технология ва ишланмалари намойиш қилинди.

Иزلаниш

Тадбирда Тошкент давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Андижон — Наманган илмий маркази олимлари ҳамкорлигида яратилган қурилма кўпчиликда қизиқиш уйғотди. “Гидротаран” деб номланган мазкур ускуна сувни 50 метрлик баландлик-

ка чиқариб бериш қувватига эга. Унинг турдошларидан афзал томони шундаки, мослама электр энергияси ёки ёнилғи талаб қилмайди. Сувнинг оқим кучи билан ҳаракатланади. Қурилма қир-адирликлардаги экин майдонларини сугоришда, айниқса, қўл келади. Қолаверса, атроф-му-

хит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади. Қўргонтепа туманидаги “Оқ сув” фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов яратган яна бир тежамкор технология кўрғазмага ташир буюрганларнинг эътиборини тортди. Кузда пушта олиниб, қўшқаторлаб экилган экин аъна-

вий усулда парвариш қилинаётган турдошларига қараганда минерал ўғит, сув, ёнилғи-мойлаш материалларини тенг ярмига кам талаб этади. Ҳосилдорлик эса бошқа жойлардагига қараганда 1,5 барабар юқори бўлади.

Шунингдек, Фаргона политехника институти олимлари томонидан яратилган қуёш батареяси, Андижон қишлоқ хўжалиги институти олимларининг оқ хўҳори поясидан шаклар ажратиб олиш борасидаги техник ишланмаси барчани қизиқтирди.

— Бугун янгиликка интилиб фаолият кўрсатишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда, — дейди фермер Тоҳир Режапов. — Деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган, иқтисодий самара берадиган янги технологияларни ишлаб чиқаришга дадил жорий қилишимиз лозим. Кўрғазмага қўйилган рангил пахта етиштириш технологияси ҳам мен учун янгилик бўлди.

Яқунда янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича 50 га яқин шартномалар имзоланди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон бозорига 16 йилдан кўпроқ иш тажрибасига эга

«KIMYONIMOYATA MINOTI» қўшма корхонаси

металл ва ёғочдан ясалган буюмларни бўяш учун мўлжалланган

«Defender» русумли

сув ва акрил бўёқлари ёрдамида ёнғиндан ҳимояланиш усулини тавсия қилади. Ушбу юқори сифатли усул ёнғиндан ҳимояловчи замонавий Америка технологиясига асосланган.

Шунингдек, қўшма корхона елим билан қопланган буюмлар ҳамда турли кабель маҳсулотларини, ёнғиндан сақловчи бошқа материалларни ҳам мижозларга таклиф қилади.

Тел./факс: (8-371) 150-46-90, 150-46-93, (+99 890) 979-00-55, 985-50-30.

PETRONAS компанияси

PETRONAS
CARIGALI
OVERSEAS



**Ўзбекистон халқини баҳор байрами —
Наврўз билан қизгин муборакбод
этади ҳамда барчангизга
сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва бахт-саодат
тилаб қолади!**

Фойдали алоқаларингизни
имкон қадар кенгайтиринг!

**3-5 Апрель
2012**

Ўтказиш жойи: «Ўзэкспомарказ»

КЎРГАЗМАЛАР

worldfood agroworld
Established 2000 - 12th Edition UZBEKISTAN UZBEKISTAN

12-Ўзбекистон халқаро кўрғазмаси
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

7-Ўзбекистон халқаро кўрғазмаси
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Кўрғазмаларнинг расмий очилиш маросими
2012 йил 3 апрель соат 11.00 да.

Кўрғазмаларнинг ишлаш вақти:

3 апрель 11:30 - 18:00	4 апрель 10:00 - 18:00	5 апрель 10:00 - 16:00
----------------------------------	----------------------------------	----------------------------------

Қатнашиш масалалари юзасидан ташкилотчилар
офисига мурожаат қилинг: (+998 71) 113-01-80.
Ташриф буюрувчилар кўрғазмалар сайтларида
On-line режимда рўйхатдан ўтишлари мумкин:
www.worldfood.uz, www.agro.worldfood.uz



«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-037-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м. бўлган, 2 та ашаш хонаси, дахлиз, ошхона, хожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 52 805 146 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 13 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корқамиш к., 1-«А» уй.
Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 16-1105/19099-сонли ижро варақасига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, «Троллейбуслар» бошқармасига тегишли, Наманган шаҳри, Дўстлик мавзесида жойлашган, умумий ер майдони 3545,39 кв.м., қурилиш ости майдони 3545,39 кв.м., фойдали майдони 3935,57 кв.м. бўлган маъмурий ва депо бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 315 425 364 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиш танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 30 апрель соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

“O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси “Янги жамиyat” студияси бўлим бошлиғи Нарзулла Охунжоновга волидаи муҳтарамаси

ЎФИЛОЙ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Давлат геология ахборот маркази” давлат корхонаси жамоаси корхона директори Бобир Исломовга падари бузруквори

Фарҳод ИСЛОМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мурувват

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда “Саломатлик поёзи” ташкил этилди.

Малакали тиббий кўрик

Бундан мақсад, мутахассислар бир hafta давомида Навоий вилоятининг Бузаубай, Учкудук, Қизилкудук, Мустақиллик, Қарақата, Конимех, Тинчлик станциялари ҳудудида яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатлами, аёллар ва болаларни малакали тиббий текширувдан ўтказди. Тадбир доирасида маҳаллар, меҳнат жамоалари, ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилади. Шунингдек, жамғарманинг виллоят филиали орқали шифокорларнинг ҳудуддаги Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга мурувват ёрдамларини топшириши ҳам кўзда тутилган.

А. ЭРГАШЕВ.

Бунёдкорлик

Косонсой туманидаги “Чак” қишлоқ врачлик пункти биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Ишбилармонлар саховати

Ушбу хайри иш учун қишлоқ тадбиркорлари томонидан 25 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами берилди. Айни пайтда даволаш, физиотерапия, умумий таҳлил хонаси, аёллар маслаҳатхонасига эга бўлган шифокорлик жамоаси маҳалланинг 5300 дан ортиқ аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Наврўз байрами арафасида тумандаги Худойбердиев номи, “Тергачи” ва “Дўстлик” қишлоқ врачлик пунктлари ҳам таъмирдан чиқарилиб, даволаш-профилактика имкониятлари кенгайтирилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ҳамда тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада бажарилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий ахборот воситалари ходимларини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кенг ёритишга жалб этиш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика анъанавий танлови ўтказилади.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган мазкур танловга 2011 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 июнигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш қилинган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2012 йилнинг 5 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳамда барқарорликни таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим.

Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлигига эътибор қаратиш зарур:

- давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ҳамда фаровонлигини таъминлашга қаратилган саяё-ҳаракатлари уйғунлиги;
- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;



ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ»

РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВИ

- жамоатчилик назорати;
- касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
- маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
- ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:

- босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар — 1, 2, 3-ўринлар);
- электрон оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент ш., Бухоро к., 24-уй.
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,
4-қават, 4, 7-хоналар.

Телефонлар: (8-371) 256-52-79, 252-21-18.
www.sfp.uz, e-mail: pressa@sfp.uz

• Реклама ва эълонлар •

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» жамоаси

азиз ва муҳтарам юртдошларимизни қутлуз айём ~

Наврўзи олам билан қизгин табриклайди.

Баҳор оғушида уйғонаётган табиат билан ҳамоҳанг куч-ғайрат, қалбларимиздаги яратиш иштиёқи ҳамда ушбу дамлардаги хушқайфият кўнгилларимизни йил бўйи тарқ этмасин!

*Юртимиз тинч,
оилаларимиз мустаҳкам,
жонажон Ватанимиз
тонглари халмиша
мусаффо бўлсин!*

«Наманганпахтасаноат»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

барча юртдошларимизни янгиланиш ва эзгулик рамзи —

Наврўз байрами

билан самимий табриклайди!

Бағрикенг, шижоатли халқимизга

мустаҳкам соғлиқ,

хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик,

дастурхонларига файзу барака,

эзгу ишларида омад тилайди.

ОБ-ҲАВО
(29 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида
+2 +7 +10 +15
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида
+10 +15 +18 +23

Бухоро ва Навоий вилоятларида
+8 +13 +15 +20
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида
+7 +12 +13 +18

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида
+7 +12 +13 +18
Тошкент шаҳрида
+10 +12 +14 +16

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — Х. Тошқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5